

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ХОРИЖИЙ ТИЛ ТАЪЛИМИ:
ДОЛЗАРЪ ИЖТИМОЙ ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК МУАММОЛАР**
Республика илмий-амалий конференция материаллари



2

основных признаков содержания история; современные ассоциации; оценки и т.д.”

Айнан тилшуносликда концепт терминига икки хил йўналиш бўйича ёндашиш мумкин. Когнитив тилшунослик ва лингвокультурологик жихатдан Олимларнинг (Н.Н.Болдырев, Е.С.Кубрякова, И.А.Стернин ва бошқалар) когнитив тилшунослик томонидан олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, *концепт*- бу тафаккур бирлиги бўлиб, қабул қилинган билим, эришилган тажриба, инсон ҳаётидаги фаолият натижалари ва дунёқарашнинг инсон оғзини акс этиши деб таъриф берилди.

Лингвокультурология асосчилари (Н.Д.Арутюнова, А.Вежбица, В.И.Карасик, Ю.С.Степанов ва бошқалар) эса, концептни этносемантик хусусиятларга эга бўлган ментал тушунча деб қарайдилар.

Тилшунослик фанида концептни англашда учта асосий ёндашув мавжуд:

Биринчи ёндашувда Ю.С.Степановнинг таълимотидан келиб чиқсак, концептни маданият билан боғлиқлигига урғу бериб, маданият йиғиндиси ва инсон тафаккуридаги менталликни ҳамоҳанг қўяди. Маданият бутунлигини концептлар мажмуи ҳисобланиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабат тушунилади.

Иккинчи ёндашувда Н.Д.Арутюнованинг қарашларида “Концепт семантик тилшуносликда языкового знак представляет единственным средством формирования содержания концепта - тилнинг ягона семантик бирлигини ташкил қилувчи омиллардан иборат деб тадқиқ қиладилар. Н.Ф.Алефиренко ҳам, шу нуқтани назарни қўлаган ҳолда концептни когнитив семантик бирлик ҳисоблаб, уни семантик жихатдан ёндашади.

Учинчи ёндашув асосчилари Е.С.Кубрякова ва бошқаларнинг фикрича концепт, бу бевосита сўз маъносидан ташкил топиб, инсон ҳаётидаги турмуш тажрибалари натижаси билан чамбарчаслигини илгари сурадилар.

Концепт- маданиятнинг таянч бирлиги сифатида қабул қилиниши билан бирга уни инсон ҳаёти давомида дуч келган кечинмалар, ва тажрибаларни сайқалланиб, лисоний воқеланишга айтиш мумкин. Концепт тил орқали шаклланади ва унда нафақат фикрланади, балки бошдан кечирилади. Концепт индивидуаллик мавжуд, яъни концепт бирор бир шахснинг дунёқарашидан тафаккурида алоҳида кўринишга эга. Мана шу нуқтани назардан келиб чиқиб, концептнинг ҳар бир тил эгаларининг дунёқараш (асосида) умумлашмасида пайдо бўлади десак муболага бўлмайди. Хорижий тил - дунёвий қарашга эга бўлган инсон авлодиди тарбияланишда қўлланиладиган асосий воситалардан биридир. Ижтимоий маданият соҳадаги изланишлар шуни кўрсатадики, халқаро мулоқот воситаси бўлган тил орқали ўқувчида бошқа давлат ва маданият вакиллариغا нисбатан бағрикенглик, сабр-тоқатлилик, холисоналик каби қарашларни ривожлантириш эришиши мумкин. Ўқувчилар чет тили ва хориж маданияти билан танишиб, ижтимоий-маданий дунёқарашларини кенгайтириш ва ўзларини тарихий маданий субъект сифатида англаш имкониятига эга бўладилар. Чет тилини ўқитиш жараёнида дарсларда халқ мақолларини, шеър, қўшиқларни қўллаш халқ яхши натижалар беради. Шу ўринда инглиз халқ мақолларини ўзбек тилига таржима қилишнинг типологик томонларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, урф-одатлари, кадрияти асрлар охири ривожланиб келган. Улар ўз навбатида халқнинг сўзлаётган тилида, адабиётини мақолларида ва халқ оғзаки ижодида ўз аксини топади. Юқорида санаб ўтилганларни англаб етиш учун эса, тил ўрганувчидан нафақат ўрганиладиган тилда сўзлаётган халқларни, балки, ўз маданиятини ҳам чуқур билишни ўрганишни талаб этади.

Бирор халқ маданиятини билишнинг яна бир муҳим томони шундаки, бир жамятга мансуб турли миллатлар маданий жихатдан баъзи ўхшашликларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларига асос бўлади. Бу ўз навбатида маданиятнинг таржимада тўғри тасвирлашга асос бўлади. Таржима жараёнидаги асосий вазифалардан бири матн мазмунини тўғри етказиб бера олишдир. Шу ўринда ушбу гап жуда ўринли айтилган дейиш мумкин. “Мулоқотнинг турли кўринишлари турли таржима усулларини талаб қилади”.

Бу нуқтани назардан А.Н.Леонтьев томонидан “*онг*”га берилган таъриф тўғрироқ: “сознание есть отражение действительности как бы преломление через призму общественно выработанных языков значений, понятий”.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тилнинг борлиқни англаш жараёнида тўсик вазифасини ўташи шундай фикрга асосланганки, унга кўра нафақат тил, балки тафаккур ҳам ўзининг субъектив характерида борлиқни объектив жихатдан тўғри акс этириш, фактнинг ҳақиқийлигини кўрсатиб бера олишга кодир эмас.

Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишнинг имкони борлиги ва умуман тиллараро мулоқатнинг мавжудлиги ҳар қандай назариядан кўра кўпроқ тилнинг ўз ишини асосий вазифаси, яъни алоқа воситаси вазифасини ишончли равишда бажаради. Таржима жараёнида кузатиладиган қийинчиликларнинг сабаби тилларда эмас, балки таржимонларнинг савияси, малакасидадир. Амалда халқлар орасида ҳеч қачон тиллар туфайли тўсик пайдо бўлмаган.

Тил универсал структурага эга; миллий тилларнинг формалари эса бу структуранинг ўзаро бир - бирини тўлдирувчи вариантларидир. Унинг индивидуал ва миллий шакллари бир тил ва барча тиллар доирасида ҳар қандай фикрни адекват, яъни бекаму-кўст тўғри ифодалашнинг чексиз имкониятларини яратиб беради.

Тилнинг миллий формалари худди жамятда яшовчи одам ўзини жамятдан алоҳида қилиб чекилаб ола олганидай алоҳида дунё чегараларини яратмайди. Тилдаги миллийлик ва индивидуаллик умуминсоний тил объектив характерининг нимоёни бўлиши холос, бу эса мантикий тафаккур қонуниятларининг объектив мазмуни билан чамбарчас боғлиқдир.

Тафаккурнинг умуминсоний мантикий категорияларини ифода қилувчи тилнинг универсал структураси ҳақида гапирганимизда ундаги қандайдир бир индивидуаллик ёки миллийлик фактори ҳақида гапириш ҳеч қачон биринчи планда турмайди. Тилни глобал нарса деб қараш биринчи навбатда методологик аҳамият касб этади, чунки бундай нуқтани назар тилнинг барча хилма-хиллиги, тарихий ва миллий ўзига хослиги билан биргаликда атрофлича ўрганиш имкониятини беради. Бу ҳақда М.Морозов шундай ёзади: “Зуқко таржимон ёзувчининг товушини эшитади. М.Горькийнинг ҳам, Чеховнинг ҳам ўз товуши бор. Улар яратган қаҳрамонларнинг ҳар бири ўз товушига эга. Самуил Маршак таржимонни турли товушларни илиб оладиган антеннага қиёслаганида нақадар ҳақдир”.

Таржима назарияси талабларига кўра таржимон сўзни, жумлани эмас, ўша сўз, ортидаги фикрни акс этириши, ёзувчи нима демокчи, ўша фикрни қай тарзда, қандай оҳангда кимга, нимага нисбатан, кимнинг тилидан ифода этаётти, барча-барчасини ҳисобга олмоғи керак. Демак, таржимонга фақат тил билишнинг ўзинга kiffoя қилмайди. У бадийликни ҳам ҳис этиши, ижодкор бўлиши, ёзувчи мақсадини ўз она тили воситасида рўёбга чиқармоғи зарур. Яъни С.Маршак айтганидек муаллиф овозини, унинг қаҳрамонлари овозини антенна мисол илғаб олабилиши лозимки, ўшандагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Шундай қилиб, фразеологик бирликлар ўзбек ва инглиз тилларида ёзулашувчиларнинг дунёқарашини ифодаловчи яққол ва тасвирли восита бўлиб

хизмат қилади. Шу жумладан, улар тилдаги дунё тасвирининг бир бўлаги тарзида ва тасавури сифатида намоён этади.

Хулоса тарзида шунга айтиш мумкинки, таълим жараёнида халқ оғзаки ижодининг кўриниши бўлган фразеологик бирликлар, иборалардан фойдаланиш талабаларда нафақат маданиятимизга бўлган ҳурматни оширади, балки, бой маънавий метросимизни чуқур англашга ҳам асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Степанов Ю.С. "Константы мировой культуры". М. Наука 2001, 320 стр.
2. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека, Мать языки русской культуры» 1999, 892 стр.
3. Кудрякова Е.С. «Язык и знание - Языки славянской культуры» М.2004,536 стр.
4. Вежбицкая А. Язык, Культура, Познание. М: Русский словари 1997, 280 стр.
5. Стерни И.А. «Методика исследований структуры концепта. Методологические проблемы когнитивной лингвистики» Воронеж, 2001, 58-65стр.

ТИЛ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК УСЛУБЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ

М.Ж.Ортиқова,

Тошкент давлат техника университети катта ўқитувчиси

Бугунги кунга келиб чет тилларни ўқитишда сифатли, замон талабига жавоб берадиган дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиш дарс жараёни сифатини, талабалар фаоллигини оширишини ҳамда техника соҳаси учун чет тиллардан замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларни камлигини инобатга олиб чет тиллар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, "Чет тиллар" кафедраси профессор-ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан биридир. Шу мақсадда замонавий педагогик услубларни инобатга олган ҳолда чет тиллар бўйича замонавий ўқув қўлланмалари профессор-ўқитувчилар томонидан яратилиши келмоқда.

Педагогик технологиянинг бошқа таълим услубларидан навбатдаги фарқи унинг ёрдамида ўқув жараёни ташкил этилганда дарс натижаси билан берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир, илмий асосланган яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам аъло бўлмасда яхши дарс ўтади. Чунки педагогик технологиянинг педагогик олим, методист ёки илғор тажрибали ўқитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик маҳорати педагогик жараёни лойиҳасида ўз ифодасини топган бўлади.

Ўқув жараёнида педагогик технология асосида ташкил этилиши режалаштириш босқичида етакчи услубчи педагоглар гуруҳи педагогик технологиянинг қонуни қоида ва тамойиллари асосида услубий ашёларни ишлаб чиқариш пайтларида юқорилик малака талаб этилади. Лойиҳа таъбир булғач педагог асосан ташкилий маслаҳатчи вазифасини бажаради.

Дастлаб ўқув ва тарбия мақсадлари ишлаб чиқилади. Худди шу босқичда саноат ишлаб чиқаришга ўхшашлик кузатилади. Ишлаб чиқаришдаги бошқарувчи ва таълимдаги педагог фаолиятларида тизимнинг аҳволи ва самарадорлиги ҳақидаги ахборатлар оқимини қабул қилиши бўйича ўхшашлик бор. Ишлаб чиқилган ўқув мақсадлари асосида назорат ишлари тузилади ва ундан сўнг услубий қўлланмалар ва маъруза матнлари яратилади.

Ўқув жараёнида барча босқичларида бугун тизимнинг асосий технологияси янгилиги ўқув жараёнининг сўнги натижалари бўлган ўқув мақсадида эришилган йўналтирилганлигини кўриш мумкин.

Педагог одатда ўз олдига ўқувчилар учун материалнинг мазмунини тушунарли қилиб ўрнатиб олишсин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргатиш деган мақсадни кўяди.Шу мақсад сари интилади. Хўш педагог ўз мақсадини эришганлигини қандай билади?

Педагог мақсадларига эришган ёки эришмаганлигини билишнинг асосий воситалари бўлгандагина педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигини ва тилланган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки аксинча самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Мақсадга етишишда қўлланадиган усуллар тизимини услуб дейилади. Таълим услуби ўқитувчи билан ўқувчилар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир.

Услублар билимларни узатиш ва қабул қилиш характерида қараб сўз орқали ифодалаш кўргазмалари ва амалиётга бўлинади.Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим фаолиятига муносиб равишда қуйидаги услублар: тушунтириш,иллюстратив, репродуктив, муоммоли баён хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот услублари қўлланилиши мумкин.

Таълимнинг оғзаки услубларига ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар қаради. Бу услубларнинг қўлланилишида ўқитувчи сўз воситасида ўқув материалларини баён қилади, тушунтиради, ўқувчилар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қиладилар.

Таълимнинг кўргазмалари услубини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: Кўргазмалари ва намоёниш қилиш услублари.

Кўргазмалари услублар тарбия фаолиятининг хилма хил турлари кенг доирасини қамраб олади. Амалда қуйидаги усуллар қўлланилади вазифани қўйиш, уни бажариш жараёнида бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш мақсадга тўлиқ эришиш учун таълим жараёнига тузатиш киритиш.

Намоёниш қилиш услублари амалий услублар билан бевосита боғланган бўлиб бу услублардан фойдаланишда ўқитувчи аввало барча материалларини намоёниш қилиб, ўқувчига чуқур тушунтириб беради. Бундан ташқари муоммоли видидан услублари ўқувчиларни билимга қизиқишини ошириб уларда фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Юқорида келтирилган барча услублар ўқувчиларни ижобий билим қўникмаларини ошириш мақсадида қўлланилади.Улар ўқувчиларни билиминини чуқур англашига мустақил билим эгаллашига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мусаев Г. Тил ўргатишда замонавий педагогик услублардан фойдаланиш. Т., 2005
2. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент.,1996

ТИЛШУНОСЛИК. АДАБИЁТШУНОСЛИК. ТАРЖИМАШУНОСЛИК

Н.Б.Саттарова,

Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг катта ўқитувчиси

Истиқлол йилларида Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутиб, дунё мамлакатлари билан нафақат иқтисодий ва сиёсий, балки маданий ва маърифий алоқалар ўрнатиши натижасида авваллари юртимиз ҳақида тасаввурга эга бўлмаган

	СЕМАНТИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА КОНЦЕПТА «ВРЕМЯ» В АНГЛИЙСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ	181
82.	Н.Б.Саггарова	
	ВЛИЯНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОГО МАТЕРИАЛА НА МОТИВАЦИЮ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ	183
83.	Д.Н.Атаханова	
	ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	185
84.	Я.И.Авлакулов	
	ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТИПЛАРИ ХУСУСИДА	187
85.	М.Т.Джураева	
	ВИДЕОФИЛЬМЛАР ВОСИТАСИДА ТИНГЛАБТУШУНИШИ	190
86.	М.Джураева	
	ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ	193
87.	З.У.Мелибаева	
	ХОРИЖИЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ	194
88.	Ҳ.С.Раҳманкулова	
	ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОНДАРСЛИКЛАР ВОСИТАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	196
89.	Н.К.Рўзиева	
	ЎҚИТИШНИНГ ФАОЛ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА	198
90.	М.Саггаров, Г.Саггарова,	
91.	НЕМИС ТИЛИДА ГАЗЕТА МАТНИ, УНИНГ БИРЛИКЛАРИ, БИРЛАШТИРУВЧИ ВА АЖРАТУВЧИ ВОСИТАЛИРИГА ОИД	200
92.	З.Сирожиддинова	
	ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ЎЗИНИ ЎЗИ АНГЛАШ ХУСУСИЯТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ	202

	СНЕТ ТИЛИ О'QITISH METODLARINING OLIY HARBIIY TA'LIM MUASSASALARIGA TATBIQ ETILISHI	268
115.	Н.К.Юсупова	
	ТАРЖИМАДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИНГ ВОҚЕАЛАНИШИ	270
116.	А.Қўлдашев	
	ГУННЛАРНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА МУАММОНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ	273
117.	Д.А.Камолова	
	СЎЗЛАРНИНГ НУТҚДА НУТҚ БИРЛИГИ СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ	276
118.	С.Каримшиков	
	ТАРЖИМАДА МАДАНИЙ КОНЦЕПТЛАРНИНГ ЎРНИ	277
119.	М.Ж.Ортиқова	
	ТИЛ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК УСЛУБЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ	280
120.	Н.Б.Саггарова	
	ТИЛШУНОСЛИК. АДАБИЁТШУНОСЛИК. ТАРЖИМАШУНОСЛИК	281
121.	М.Аbdurahmonova	
	ENGLIZ TILINI O'QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH	284
122.	М.Аbduraxmonova	
	ENGLIZ TILINI O'QITISHDA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISH	286
123.	М.Шахакимова	
	ТА'LIM JARAYONIDA POWER POINT TAQDIMOTLARINI QOLLASHNING SAMARASI	288
124.	Х.М.Бобојонов	
	ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ О'QITISH SOHASIDAGI ISLOHOTLARNI	291